


ХУРМАМАТ ТОЖИБОЕВ

«...ЙҮЛ ТОПАР  
ОШИК»



## ТҮЙХАТ ЎРНИДА

Ҳурмамат Тожибоев ўзининг ҳаёт йўлида турли соҳаларда хизмат қилди. Оддий кетмончилик қишлоқ шароитида яшаётган ҳар бир оиланинг севимли машғулоти. У ҳам ўз меҳнат фаолиятини далада шу касбдан бошлаган. Техника соҳасида анчайин тушунчага эга. қурилиш сирларидан ҳам боҳабар. Тошкент Давлат (ҳозирги Миллий) университетининг ўзбек филологияси факультетини битирганидан кейин қаламкашлик (журналистика) соҳасида жавлон урди.

Рахбарлик виқорлари кайфиятул жузъиясига ёкиб қолганидан олий партия мактабида ҳам таҳсил олиб кўрди. Партия поғоналарида чарх уриб, хизмат қилганидан ҳарорати ортиб кетиб, Ер қуррасининг шимол тарафларига бориб, ховуруни пасайтириб қайтди. Мана ўн беш йилларки Андижон Давлат Тиллар педагогика институтида у, бу лавозимларда ишлаб кўрганидан кейин, ўзбек тили ва адабиёти кафедрасида қўним топди.

Ҳаёт тажрибаларидан орттирган мероси нозик таъблиқ, анчайин синчковлик, бир қадар қизиқувчанлик ва масалага юқоридан назар ташлашдан иборат бўлиб, бу барча хислат чоп этилаётган китобчада ўз аксини топган.

Шарқ ва ўзбек адабиётининг мумтоз меъросига назар ташлар экан ундаги ғоя ва тушунчаларни чучук ва ёқимли луқмалар билан таҳлил қилган. Мумтоз адабиётидан йиллар оша узоқлашиб борар эканмиз, унга ташналиқ ортиб бориши, бу ташналиқни шундай томчилар билан қаноатлантиришига эҳтиёж сезилиб бораверади.

Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси  
профессор-ўқитувчилари номидан:  
кафедра мудири, филология фанлари  
доктори, профессор, **С.К.Қурбонов**

Ушбу рисола АДТПИ Ўзбек тили ва адабиёти кафедрасининг 2008 йил 26 августдаги йиғилишида чоп этишга тавсия қилинди.

Қатор йиллар мобайнида турли оммавий ва илмий нашрларда эълон қилинган мақолалардан тузилган мазкур рисолада муаллиф мумтоз адабиётимизнинг буюк устунлари, Румий, Ҳазрати Мир Алишер Навоий ҳамда шоҳ ва шоир Захириддин Муҳаммад Бобур ва Огаҳийлар ижоди ҳакида баҳоли қудрат илмий мушоҳада қилган. Навоий меросига бағишлиланган мақолаларда, шоир ижодининг асосий мағзини ташкил этган комил инсон ғояси юксак маҳорат, нозик дид ва даҳоларга хос топқирлик билан ифодалангандиги аниқ мисоллар билан очиб берилган. Бобур ижоди асосан «Бобурнома» мисолида олиб қаралиб, рисолада шоирнинг сўз қўллаш бобидаги маҳоратига тўхталган ва «Бобурнома» тилшунослик нуқтаи назаридан ҳам бебаҳо манбаа эканлигини асослаб берган.

Огаҳийнинг таржеъбандларидаги фалсафий фикрлар силсиласини ёритиш билан бирга бу жанрнинг мураккаблиги ва аҳамияти ҳам қисман изоҳлаб кетилган.

Рисоладан филолог тадқиқотчилар, филология факультети талабалари ҳамда Навоий ва Бобур ижоди билан қизиқувчи китобхонлар фойдаланиши мумкин.

**Филология фанлари номзоди,  
доцент Т.Л.РАҲМОНОВ**

## ЎЗЛИКНИ АНГЛАШГА ДАЬВАТ

Навоий шеъриятида, балки барча меросини ўрганиб чиқилса ҳам, ягона хulosса, - инсоннинг ўзлигини англашга даъват сезилади. Айниқса “Хазоин ул-маоний” (“Маънолар хазинаси”) девонлари сирасига кирган тўрт фаслдан иборат хазинага синчковлик билан назар ташланса, бу фикр янада равшанлашади. Ҳатто “Хамса” достонига киравчи беш достон ҳам ўша муддаонинг давоми ёки хulosалари сифатида юзага келгандек....

Навоий ҳалқ орасида “Чор девон” деб юритиладиган «Хазоин ул-маоний» девонининг дебочасида ўз маслакдоши, дўсти ва ҳукмрон Султон Ҳусайн Бойқарони мадҳ этиб, у кўрсатган мурувватларидан миннатдорчилигини билдиргандек туюлади.

Девоннинг дебочасида “Агарчи нигориш топқон икки девон (“Бадое ул-бидоя” ва “Наводир-ун-ниҳоя” девонлари) тартибида ва гузоришқа кирган (яъни тайёрланган) икки дафтар тадвинида ҳам бу фақири номурод ҳақири ношодга ҳеч ихтиёр йўқ эрди, невчунки барчаси султоний ҳукмлар ва ҳоқоний амрлар ва таълиму талқинлар била эди” дейиш билан, Султон Соҳибқироннинг кўрсатган ёрдамлари ҳақида жуда рухланиб, унинг “лутфу эҳсон” ларидан “Кўнглимга ўзга қувват кирди...” деб таърифлайди ҳамда:

**Зулмат аро эдим оби ҳайвон топдим,  
Йўқ қўнгли, ўлиб эрдим, янги жон топтим,**

каби мисраларда ўз қувончини намоён қиласди.

Демак, ижодининг, айниқса, 44901 мисра, 3132 та шеърни ўз ичига олган 16 жанрдан иборат “Хазоин ул-маоний” девонининг барча фаслга мос ва хос бўлимлари Ҳусайн Бойқаро назаридан четда қолмаган ва раҳнамолик қилганлиги намоён бўлади. Айниқса, девонни охирги тартибга келтириш даврини “...эллик, олтмиш ё юз ғазалға яқин йигилса эрди ҳазрати Султон Соҳибқироннинг фирмавосо сүхбатида ва сипеҳрфарсо ҳазратида ҳозир қилиб арзға еткуур эрдим ва ул ҳазрат уларға шафқат юзидин бокиб, қайси маъни шўхинингким таркиби хилъатида ва алфозу кисватида бетакаллуфлук кўрса... ўз хизонаи хотири ганжинасидин... зебу зийнатқа табдил еткууруб, ҳар ғазални тартиб юзидин ўз ўрнига рақам қилур эрди” каби хотиралар билан эслаб, шоҳга ҳамду санолар, унинг ақлу заковатига таҳсинлар айтади.

Шу ўринда буюк алломаларнинг “Инсон ўзи яратган нарсаларнинг қули”, деган башоратини эслаб ўтиш зарурати туғилдиким, дарҳақиқат, инсон қачонлардир пулни ўйлаб топди. Ҳозирги вақтда барча одам зотики унинг қули; олтиннинг зангламас металл эканлигини аниқлади. Ҳозир ҳамма унга интизор; ўзлари қайсицир мансабларни жорий қилди ва қонунлар ўйлаб топди, барча унга тобе ва ҳоказо.

Аммо Навоий, юқорида айтилган фикрлар ва ўзи девоннинг дебочасида кўрсатиб ўтган “султоний ҳукмлар, эҳсону таҳсинлар, таълиму талқинлар”ни бир байт билан ифодалаб, уларнинг қийматини белгилаб беради,

қаранг:

**Ўзлукнинг ҳижобидин кимки ўзин ҳалос этар,  
Ўзга қаёнки солса кўз, мумкин эмас ҳижоб анго...**

Нақадар чуқур, бепаён маъно ётибди.

“Ўзликнинг ҳижоби” тушунчаси нимани англатади? У қандай ҳижобким, инсонни нечун банд этади ёки ўраб олади? Нима учун ўзлиқдан “ҳалос” бўлиш керакки, “қаён солса кўз”, инсонга нарсалар “ҳижобсиз” кўриниши мумкин.

Юқорида айтилганидек, “Инсон ўзи яратган нарсаларнинг қули” бўлиш билан бирга, ўша ўзи яратган нарсалар билан ўзлигини ўрай бошлайди, яъни ўша нарсалар ўзи учун “хижоб” бўла бошлайди.

Яна ҳам аникроқ тасаввурга эга бўлиш учун фараз қилинг: “қора қўзойнак таққан” маҳобатли бинолардан ҳайратланиш, фазога учган кемалардан фахрланиш, уяли телефонлар билан ғуурланиш, тиник кўрсатадиган рангли телевизорлар олдида соатлаб ўтириш, бирор мансаб дардида остоналарда изфиш, борингки, ўша мансабдор тоғни талқон қилгудек шиддат билан виқорланиши, иложи борича, озроқ ҳаром еки гуноҳ қилиб, кўпроқ пул топиш дарди, қўшниникидан бир қарич бўлса ҳам баландроқ уй солиш, машиналарнинг рангини танлашу хуфия “йланиш”лар барчаси ўзликнинг ҳижоби эмасми?!

Шу “хижоб” (тўсиқ)дан “халос” бўлса, “қаёнки солса қўз”, унга “хижоб” мумкин эмас, яъни теран ақл билан қўриши мумкин, деганда - беш кунлик умр қўрувчи капалак гўзаллиги, қирқ кун меҳнат қилиб, бол тўплаб кетувчи арилар ғайрати, илонлар тишида сақлаб юрган бир томчи суюқлиги захарлаши ҳам, даволаши ҳам мумкинлигининг сир синоатлари, бир сония очилиб сўлувчи гулларнинг ҳасрати, оёқ остидаги ўт-ўланларнинг бир мавсумдаёқ яшнаб ҳазон сўлишининг асрорлари, аччиқ қалампиру, ширин қовун, сирти қораю ичи қизил тарвузларга, меваю сабзавотларга рангу таъм танлаб берадиган Яратган саховатию кароматларидан ҳайратланиш, фахрланиш, ғуурланишга даъват эмасми? Ҳайвоноту паррандалар оламидаги ўзига хос яшаш ва қўпайиш қонуниятларининг қатъий ва мукаммаллигини англаш, улар олдидаги масъулият ва жавобгарлик ҳиссини англашга даъват эмасми? Яратганнинг юқоридаги мўъжизалари ичida инсоннинг ўзи энг олий зотлиги, у ҳам ўша гўзаллигу ғайрат, сир синоатлару асрорлар, рангу таъм эгалари ва умрлари каби ўткинчи, боқий эмаслигини англаб етишга даъват эмасми? Ҳар бир сир синоатлардан олган таълим ва маъно инсон учун ибратлилигига, ўзини ўшаларнинг бир бўлраги, фақат онгли бир қисми эканлигини англашга даъват эмасми?

Навоий ёзиича, Оллоҳ инсонни ҳамма нарсадан улуғ, ўзига сирдош ва ўзига маҳрам қилиб яратган. Инсон вужудида бекиёс ақлу заковат, чексиз куч қудрат ва олий фазилатлар яширинган. Шунинг учун Навоий инсонни ўзлигини англашга даъват этади. Яъни, инсон ўз ақл заковати маҳсули сифатида яратган нарсалари билан мағурланиб, уларни ўзига “хижоб” қилиб олмасдан, ақл заковатнинг мислсиз имкониятларидан ҳайратланиш, ундан янада мукаммал яратувчанликлар кутиш ва уни инъом этган Оллоҳга ҳамду санода бўлиш ҳам ўзликни англашнинг белгилариdir. Ўзликни англашнинг дастлабки нуқталари сифатида яна Тил, Халқ, Эрк, Ишқ, Табиат, Ватан, Тарих каби тушунчалардан бошлаб, уларнинг моҳиятига етиб боргандагина, инсоннинг ўзлиги тўла тасдиfinи топади, унинг умри нур, қисмати улуғвор бўлади.

Навоий ижодидаги ўзликни англаш борасидаги фикру туйғулар мукаммал ва маҳсус тадқиқ этилса, яна бир ҳақиқат ва ҳикматларнинг манзаралари равшанлашади.

(Андижоннома», 2006 йил 4 февраль)

# # #

## ДАҲОЛАР ДИЛОРОМИ

Туркий назм гулшанининг фариштаси, шу тил илми, пойдеворининг асосчиси Алишер Навоий ҳаётининг ҳар бир сонияси, ижодининг ҳар сўзу мисраси илмий тадқиқот манбаидир. Ҳар сафар мурожаат қилинса янги бир ҳикмат, янги бир ғоя, янги бир олам очилаверади.

Алишер Навоий ижодига Абдураҳмон Жомийнинг берган баҳоси эсланса, Навоийнинг

буюклик даражаси янада сезилади: «Бу қаламга (Навоий қалами, ижоди назарда тутилган) фалакдан офаринлар ёғилсин! Чунки бу ёқимли нақшни (Навоийнинг «Хамса» асари кўзда тутилган) ўша қалам яратди ва форсий тил эгалари, форсча назм дурларини тизувчиларига раҳм қилди: у ҳам шу форсий тилда ёзганда, бошқаларга сўз айтишга мажол қолмасди. Бу мўъжизакор назм тарозиси қаршисида Низомий киммутини Нусрав ким бўлди?!»

Низомий ўзининг беш достони билан хамсачиликка асос солди. Форс тилида 42 та, ўзбек тилида 2 та, турк тилида 2 та «Хамса» яратилди, бундан ташқари озарбайжон, туркман, курд ва бошқа тилларда ҳам хамсачилик давом эттирилди. Бироқ Нусрав Дехлавий, Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоийларгина Низомий қаторидан ўрин олишга муяссар бўлди. Шу икки буюк даҳо Низомий Ганжавий (1141-1209) ва Алишер Навоий (1441-1501) мурожаат этган бир образга тўхтамоқчимиз.

Орада роппа роса уч юз йил фарқ бўлишига қарамай, улар «Дилором»га бир хил мурожаат қиласидарки, бу илтижо ҳайратга солади.

«Хазоин ул маоний» девонининг «ғаройиб ус сиғар» фаслида бир ғазалнинг матлаъсида шундай гўзал ўхшатиш, илтижоли мурожаат борки, биринчи мисранинг ўзиёқ муҳлисни ўйлантириб қўяди.

қаранг:

**Эй насими субҳ, аҳволим дилоромимға айт,  
Зулфи сунбул юзи гул, сарви гуландомимға айт.**

Ҳудди шу мурожаати муножот Навоийдан уч юз йил аввал Низомийда ҳам содир бўлган эди.

қаранг:

**Еткур пайғом ёримға, сабо, тез,  
Етиб анга дегилким, эй Дилором.**

Ҳар иккиси ҳам «Дилором»га мурожаат қилмоқдаки, демак суратан - улар ўз ёрларини дилором, деб эъзозлаганлар, деган хulosага келса бўлади. Аммо, сийратан эса, ким дилга ором бериши мумкин? - деган савол пайдо бўлади. Агар, севгилига ёхуд севгига нисбатан ишлатилса, фараз қилинг, севги бокий ва дилга ором бера оладими: севишганлар етишгунча бир-бирига ой кўринса, етишгандан сўнг ойнинг доғлари кўрина бошлайди, айrim ҳолларда арзимаган сабаб билан сиз-биздан сен-менга борилади.

Муҳаббат тушунчаси олиб қаралганда: ота-онага, фарзандга ёхуд Ватанга бўлган муҳаббатдан ором кутилса, ота-онанинг берадиган роҳат-фароғати, фарзанд ёки Ватан тимсолидаги давлатнинг меҳр-муҳаббатининг ранжу аламлари бор.

Дилга ором фақат ишқдан кутилади. Ишқ фақат Яратганга нисбатан пайдо бўлади. Агар кўнгилга ҳақиқий ишқ тушса у қазо билан якунланади. Демак фоний дунёнинг дилороми – Ҳаққа бўлган ишқдир.

Айниқса Низомийнинг:

**Юғирдим ҳар тараф мен мисли Мажнун,  
Тилимда Лайли номи субҳдин шом**

байтида Олам тушунчаси, оламни Яратганга интилиш, шу саъй-харакатларда ишқ оташкадасининг

ҳарорати сезилиб туради. Яъни, Лайли - тун, қоронғулик, Оламнинг сир-синоатлари шу қадар жумбок ва тундек қоронғуки, уни ақл чироғи билан ёритиш ва шу орқали Ҳақни топиш мумкинлигига ишора бор. Холбуки, бу ақл чироғи - ташналик, ишқ олами сир-синоатларини тушуниб, Ҳақ йўлинни топиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди.

Бу фикр Навоийнинг қуидаги байтида янада равшанроқ акс этади:

**Эй кароматгўй, ишим оғози худ исён эди,  
Шамъи раҳмат партави еткайму анжомимға айт.**

Қарангки, Ҳаққа ишқи тушмаган ҳар бир бандада - хоҳ мусулмон, хоҳ насроний бўлишидан қатъий назар, у исёнкордир. Яратганга нисбатан исёнда бўлади. Яъни, у нега ер қимирлайди, нима учун тўфон бўлади, деб ўз фикрлари ва талаб-истакларини намойиш этаверади. Фақат Олам ақл чироғи билан ёритилгандагина унинг сир-синоатлари ечила боришини, бунинг учун ҳақиқий ишқ шавқи - яъни **дилором** етишмаслигини англаш мушкулоти азалий ва абадий муаммодир. Навоий бу ўринда:

### **Шамъи раҳмат партави еткайму анжомимға айт**

мисрасида ўша ёруғлик – ақл шуъласидан ўзининг баҳраманд бўлишига умид боғламоқда.  
Айниқса, Навоий «гаройиб ус-сигар»нинг бир ғазали мақтаьсини:

**Ташна лаб ўлма Навоий, чун азал соқийсидин,  
«Ишрабу ё айюҳал-атшон» келур ҳар дам нидо.**

сўзлари билан яқунлайдики, яъни лаб ташналиги кифоя эмас, дилинг ташна бўлсин, чунки «Эй ташналар, ичинглар!» деган ниҳодан киши ҳар доим боҳабар, баҳраманд бўлиб туради.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, ҳар икки буюк даҳо ишқ оташкадасида ёниб турган ҳароратни тонгти сабодан Ҳаққа етказишини илтижо қилаётганлигини намойиш этмоқда.

(«Андижоннома» 2005 йил 9 февраль;  
«Сино» илмий-оммабоп журнал, Эрон  
Ислом Республикаси 2006 йил №22)

###

### **«КЎЗ МАРДУМИН ҒАМЗАНГ»**

Ташна одам мусаффо сувдан ичиб, чанқоги босилганидан қанчалик роҳатланса, ҳар бир хўплами, ҳар бир қултуми инсон танасию нафсига ором берса, Навоий мероси ҳам башариятнинг маънавий-маърифий ташналигига малҳамдек сингиб боради.

Бу мерос ўзининг жозибадор ва мусаффолиги билан хайратга соловеради, яна бир қултум, яна бир хўплам ва ё сипқориб юборгудек ташна қиласи, ақл ва онг мавжлари яна талпиниб қайта мурожаат қиласаверади. Яна янги ташналик, янги қаноат, янги хузур...

«Қаро кўзум...» ғазали нақадар пурмаъно бўлиши билан бирга шу қадар чукур фалсафа манбаидир. Чунки, бу ғазалнинг матлаъсининг ўзи қатор олимларнинг тадқиқотларига асос бўлган, олам ва одам тушунчаларининг бадиий инъикоси ифодаланган.

Биз қуидаги талқин қилмоқчи бўлган ғазал ўша машхур ғазалнинг тафсиридек, давоми

ҳамда тасдиғидек кўринадики, бу, «қаро кўзум...» ғоясининг ижтимоий исботидек юзага чиқади.

**Тануредур ичим гўё қизитқон ишқ ўти они  
Ёпиштурғон кабоб ўрни анга ҳар доғи пинҳони.**

Накадар гўзал ифода. Тандирнинг нон ёпиш учун қизитилишию, унинг нима билан қизиганини тасаввур қилинг. Биринчи мисранинг ўзиёқ ўкувчининг (агар англаб етган бўлса) ҳолатини белгилаб қўяди.

«Ёпиштурғон», бу ерда ташки бир куч тарафидан «ёпиштирилган кабоб»; қарангки, тандирга нон ёпилар эди, Навоий ичи – тандирга «кабоб» ёпилди, - яъни гўшт, гўшт бу қоннинг манзили, қон эса ҳаёт манбаи; косалар тагида ним косалар, ақл кўзи билан узоқ ва чукур тикилиб, илғаб оладиган маъно ётибди. Демак, шу кабоб қизиган тандирга ёпилгач у ерда доғ пайд о бўлиши ва бу доғларда сирлар пинҳонлиги – олам синоатлари ётибди, инсонлар тақдирининг шодлигу ташвишлари жойлашганлиги намоён бўлмоқда.

**Қизил раглар эмас кўз ичраким, кўз мардумин  
ғамзанг  
Анингдек нешлар урдиким, оқмиш ҳар тараф  
қони.**

Кўздаги қизил томирлар, «кўз мардумин ғамзанг...» Тақдир кабоб ёпди, кабобдан доғлар пайдо бўлди, бу доғлар шу Тақдир азал ғамзасининг ништарларидан оқкан қондир. Бу ердаги «ғамза» ҳам икки маънода келмоқдаки, биринчиси – тариқат майдан ҳосил бўладиган ҳуш кайфият – яъни тақдир карашмалари қонларни равон оқизса, иккинчидан – «ғамзадан» - ғам андуҳлар натижасидан оқкан қонлар хун бағирлар қонидир. Навоий кўзида асраб юрган ҳалқнинг («кўз мардумин») ҳолати икки бадиий талқин билан ифодаланмоқда.

Тўққиз банддан иборат ғазалнинг ҳар бир банди ўзининг муҳимлиги билан ҳаётнинг барча ижтимоий жабҳаларига бағишлангандек, уни бадиий талқин қилиб боради.

Маълумки Навоий то умрининг охиригача ҳаж сафари умидида яшаган, аммо ҳар сафар у ёки бу сабаблар, айниқса, Ҳусайн Бойқаронинг илтимоси билан кечикирилган. Шу армон ҳам ғазалда ўз аксини топганки, бу фақат Навоийнинг ўзигигина эмас, барча ислом ахлига тааллуқли бўлган ҳолатдир.

**Мунингдекким, йироқдур Каъбаи мақсад  
ҳамоноким,  
Эрур манзилға етмасдан жараснинг тинмас  
ағони.**

Байтнинг мазмунидан англашиладиган маъно шундаки, карvonдаги түянинг қўнғироғи манзилга етмагунча тинмай чалинаверади, яъни мақсад сари интилган инсон унга етмагунча ҳаракатда бўлиши кераклиги ва ҳаракат жарангдор, карvon каби залворли бўлиши уқтирилади.

Бир мақолада ғазални тўла таҳлил қилиб бўлмас, аммо Навоийга ташна қалбга бир томчи ором берилган бўлса муродимиз ҳосилдир ва ҳар бир аҳли фазлни мумтоз адабиётимиз, санъатимиз ва тарихимизга ташна бўлиб яшаши умидидамиз.

(Эълон қилинмаган)

# # #

## НАВОЙ ИШҚИ

Навоий «Ҳайрат ул-аброр» асарида «Хамса» достонининг мундарижасини яратар экан, унда Олам - азалий ва абадий ягона руҳнинг (Оллоҳнинг) ўз-ўзига ишқи тушиб, ўз жамолини томоша қилиш истагидан пайдо қилган кўзгу, деган тушунчани илгари суради.

Тасаввуф илмини мана шу ягона руҳ кўзгуси бўлган борлиқ ва, айниқса, унинг олий мавжудоти - инсон ўзлигини англаб, ўзига ишқи тушиб, шу орқали Ягона руҳга қўшилиш таълимоти, деб қаралса, Навоий бу масалани янада яққолроқ тавсифлаб:

**Қилиб Ҳақ вужудида маҳв ўз вужудин,  
Навоий муни бил тарики тасаввуф,  
дейди.**

Тариқат - тасаввуфда йўл, изга тушиш, йўналишни белгилаб олиш маъноларини билдиради. Ишқ эса инсонни маърифатга ва, ниҳоят, Ҳаққа элтувчи куч, қудрат ҳисобланади. Шариатда пайдо бўлган Ишқ, Ҳақиқат водийсига қадар сўнмаслиги, инсонни Ягона руҳга қўшилиб кетгунга қадар элтувчи олий туйғу, қудратдир. Ҳаққа етмасдан сўнган ишқ, энди у ишқ эмас - севги (ишққа нисбатан ўткинчи маънода), хирс, нафъ (манфаат кутиш), таъмадан бошқа нарса эмас.

Маълумки, инсонда руҳий ва моддий олам бирга яшайди. Мавжудотнинг олий табақаси - Инсондаги ишқ тушунчасида кўнгилнинг маҳбуб томон интилиши, яъни илоҳий Зотнинг инъикоси бўлган борлиқни англаши, унга ишқи тушиши, ўз вужудини Ҳақ вужудига сингдириши («маҳв ўз вужудин») Ҳаққа қўшилиши тушунчasi ётади. Бу ўринда Навоий Ҳақни таниш учун унинг мажозий сифатлари орқали уни кўнгилга жо қилиш, тариқатнинг имконларидан бири, деб қарайди ҳамда маҳбуб - Ҳақ, унинг висолига етишиш қудрати - Ишқ, унинг воситаси - Май (мастлик, «сукра») тимсолларида намоён қиласи. Ва «Фавоид ул кибар» асаридаги бир қитъасида бу масалани янада ривожлантиради:

**Мажоздин манга мақсад эрур ҳақиқий ишқ,  
Нединки, ахли ҳақиқатқа бу тариқат эрур.  
Мажоздин шу ҳақиқатқа йўл топар ошиқ,  
Қилур мажозни нафъ улки беҳақиқат эрур.**

Навоий ишқни мажозлар орқали меъёрга етказиб, мустаҳкам эътиқодга эга бўлгандан кейингина Ҳақиқатга эришиш амали содир бўлишига ишора қилиб, қуидаги қитъада Ишқ тушунчасини хотималагандек бўлади:

**Эй, Навоий, кўп мажозий ишқ ила машъуфсен,  
Ўткил андин, доги ён ишқи ҳақиқат сори бот.  
Иккисидин гарчи ошиқ ўлмаки, лозим келур,  
Бори ул ўлмакки, бўлғай зимнида юз минг ҳаёт.**

Навоийнинг :

**Ошиқ бўлдим панд берманг, чорам асбобин тузинг,  
Ишқ зор этганга зулм этманг, тараҳхум қўргузинг-**

матлаъали ғазалини олиб қараганда, уни севги тушунчаси билан ўқилса – бир гўзални севиб колганлиги , унинг “чора асбоблари” эса шу гўзалга унинг севгиси хақида етказилишидан тортиб, токи тўй тараффудларига қадар бўлган воқеалар, “зулм этманг” хитоби орқали йўлни тўсманг, маънолари ётади.

Ошиқнинг маъжозий ҳолати эса ўзгача тушунча касб этади. Биргина “чора асбаби”нинг маънолари ўзи катта изоҳ талаб қиласди. Маълумки, Навоий машойихлар таълимотини мукаммал ўрганган шахс, ўрганибина қолмай, унга мутлақ амал қиласди.

Нақшбандия тариқатининг асосчиларидан Абдухолик ғиждувоний ҳикматларидан бири рашха (томчи)лар бўлиб, бу рашхалар Авлиёи Кабир, Ҳазрат Баҳоуддин, Хожа Убайдуллоҳ Ахрор, Абдураҳмон Жомийлар томонидан шарҳланганлиги ва бу тариқатга Навоий ҳам эътиқод қўйганлиги маълум. Шу нуқтаи назар билан қаралганда, рашхалар саккиз ном билан аталиб: 1. “Хуш дар дам” – ҳар бир нафас Аллоҳ зикри билан; 2. “Назар бар қадам” – солик назари оёғи учига қаратилган бўлиши, яъни нигоҳни жиловлаш; 3. “Сафар дар ватан” – соликнинг ўз табиатига, кўнглига сафари; 4. “Хилват дар анжуман” – солик дунёвий иш билан банд бўлсада, юрақда Аллоҳ билан доимо ошино бўлиши; 5. “Ёдкард” – тил ва дил зикрининг уйғунлашуви; 6. “Бозгашт” – солик зикр ҳаловатини ҳис қилиши; 7. “Нигоҳдошт” – солик ўз хаёлини бошқа нарсалардан муҳофаза қилиши; 8. “Ёддошт” – соликнинг бутун борлиғи Ҳақ Таоло муҳаббати билан ёнишини тарғиб қиласди.

Навоийнинг юқоридаги байтдаги пок ишқига “панд бермасдан”, унга раҳм қилиб (“тараҳҳум кўргузиб”) мана шу амалларнинг рашхаларни бажариш учун “чора асбоб”ларини тузишни тилаганлиги сезилиб турибди.

Навоий асарларида ёр ва маъшуқага мурожаатлари севги ҳисси билан ўқилсада, уқиш чоғида унинг Ишқи, унинг ёри ва маъшуқаси мажозий эканлигини, улар орқали Ҳаққа мурожаати, интилишини англаш муҳимдир.

(«Андижоннома» 2003 йил 1 феврал)

# # #

## НАВОИЙНИНГ ИБРАТЛИ «ИСЁНЛАРИ»

**Қилибмен анча исёнким, агар дўзах аро кирсам,  
Менинг беҳад гуноҳим бирла дўзах сарбасар бўлгай.  
Худоё, авф осонроқдурур йўқса ғазаб қилсанг,  
Магарким ўзга дўзах, ўзга ўт, ўзга азоб ўлгай.**

(Ё раб!) Бу не сир-синоатки, бутун оламга ўткир зехни билан машҳур, бекиёс ақлу завокати билан фазилат аҳлини лол қолдирган, Бобур таъбири билан айтганда «назири йўқ киши» ўзини «исёнкор» деб турса... ва ёки «Аҳли фазл ва аҳли ҳунарға... мураббий ва мукаввий Алишербекча ҳаргиз пайдо бўлмаган» бўлсаю, у ўзининг устозлик ва ғамхўрлигини «исён»лардан иборат деб билса...

«Исён» ўзи неки, уни кимга нисбатан, қайси мақсадда қўллайди? Унинг баҳоси қандай? Агар, Навоийдек улуғ зот ўзини исёнкор, дебдики, демак исённингда ижобий бир ҳолат, ибратли бир кечинма эканлигини аниқлашимиз, исботлашимиз керак эканда.

Навоийнинг ибратли «исён»ларини ва шу орқали у «гуноҳкор» эканлигини, агар шу «гуноҳлари» учун у дўзахга кирса, дўзах азоби камлик қилиши, унга «ўзга дўзах, ўзга ўт, ўзга азоб» кераклигини баҳоли қудрат сархисоб қилиш навбати келди чоғи.

Агар, бундан ўн йиллар илгариги мафкура нафаси билан ўқиб, Навоийнинг «атеистик қарашлари» мавзуси билан талқин қиласдигизда, тайёргина, «мана, Навоий ҳам диндорлар устидан кулиб, мен исёнорман, агар дўзахинг бўлса ёндиравер, у нарсалар мен учун ҳеч нарса

эмас, чунки у дунёдаги дўзах, жаннатларинг ёлғон демоқчи», деган бўлар эдик.

Аммо, ақл кўзи билан боқиб, нарсанинг сурати ва у орқали сийратларига, ҳеч бир мафкурасиз назар ташланса, асл нусха (мохият) пайдо бўладики, бу мушоҳадалар кўламини янада кенгайтиради.

Навоийнинг «исён»лари масаласига келсак: булар унсиз, ҳаракатсиз, шовқин-суронлариз ва ниҳоят жангу жадаллариз исёнларки, улар ибратли, ижобий натижаларга эга бўлган, хайрли исёнлар эканлиги бутун ижодининг кўлами ва салмоғида намоён бўлади.

Асрларидан намуналар келтиришдан аввал, Навоий «исён» деганда нимани назарда тутган бўлиши мумкин ва биз нималарга эътибор қилишимиз кераклигини белгилаб олишимиз зарур. Шу нуқтаи назардан қаралса, Навоий исёнлари бир **тақводорнинг ибодатлари ғофилларга нисбатан исён, яъни, барча яхши фазилатлар ёмон иллатларни йўқотиш учун қилинган ҳаракатлардир**.

«Гаройиб ус-сигар» асарида бирда шундай байт борки, Навоий хушомадгўйларга нисбатан ғалаён кўтарган. Чунки ҳар доимгидек, ҳар замонлардагидек Навоий замонида ҳам хушомадгўйлар, риёкорлар бисер ва хушёр бўлган:

**Чун хушомад демакни бошласа кош,  
Ким тутулса дами, кесилса тили.**

«Бадоев ул-васат» асарида эса ўша хушомадгўйларнинг тингловчиларига, ўша риё сўзларига ишонувчиларга нисбатан «исён» кўтариб, уларни ҳушёрликка чақиради-ки, «ким гапирмоқда?» эмас, «нима демоқда?» эканлигига эътибор беришга даъват этади.

**Байт: Чун ғараз сўздин етар маъни анга,  
Ноқил улса хоҳ хотун, хоҳ эр.  
Сўзчи ҳолин боқма, боқ сўз ҳолини  
Кўрма ким дер они, кўргилки не дер.**

Навоийнинг дунё аҳлига боқиб, гадодин то шоҳга, омидин то тақводорларга қадар бўлган шахсларга нисбатан берган баҳоси, уларнинг қилмиш ишлари ва тутмиш ҳаёти ва барча аҳли башарнинг турмуш тарзига нисбатан кўтарган «исёни», даъвати асрлар оша узининг муҳимлигини йўқотмай келади:

**Эй, Навоий, олам аҳлида тамаъсиз йўқ киши,  
Ҳар кишида бу сифат йўқтур, анга булгай шараф.  
Сен агар тарки тамаъ қилсанг, улуғ ишдир бу ким,  
Олам аҳли барча булгай бир тараф, сен бир тараф.**

Ҳайратланарлиси шундаки, ўша пайтлардаги (балки азалдан то абад) жойнамоз устидаги тақводорнинг жаннат даъвосида, амал курсисидаги раҳбарнинг пора дардида эканлиги мана шу икки байтга терилган инжууларда акс этиб турибди.

«Гаройиб-ул-сигар» асарида «Ўз тоифадин шикоят ва элга яхшилик қилиб, ёмонлик кўрган ҳикоят» сарлавҳали қитъада:

**Не толеъдурки, ҳар кимни десам ёр,  
Манга ул оқибат булур бадандеш.  
Бирордур гар они десам кўзумсен,  
Чекар мужгон киби, қасдимга юз неш,-**

дейиш билан одамлар орасидаги меҳр-оқибатнинг юзаки, тил учида эканлигини қўрсатиб мана шу иллатларга қарши «исён» кўтарган. Айниқса, «Наводир-уш-шабоб» асарида бу ғояни янада аникроқ ифодалаб:

**Бирига юз Хито мулкин хирож айласанг ийсор,  
Хатосиз қасди жонинг қилғусидир, гар хато қилсанг,**

дейди. Навоий даҳосини таърифлаш, уни меъёрига етказиш мумкин эмас. Чунки унинг меросини ўрганишда ҳар бир шахс ўз билим доирасида, заковат кенглигига талқин қиласи ва уни ҳазм қилишда ҳам фикр кўлами шу асарлар маъносини англашга хос ақл тишлари билан озуқаланди.

Ушбу қисқа мушоҳадаларимизни Навоийнинг «Фавоид-ул кибар» асаридаги қуйидаги фард билан якунлашга қарор қилдик, ки ўз долзарблиги оилан асрлар оша шиорлардек янграб келаётган ўйтларга зора амал қилинса:

**Киши айбинг деса, дам урмағил ким, ул эрур кўзгу,  
Чу кўзгу тийра бўлди, ўзга айбинг зоҳир айларму...**

(«Андижоннома» 2004 йил 4 феврал)

# # #

## **НАВОИЙ АСАРЛАРИДА ИЖТИМОИЙ БЎЁҚЛАР**

Беш асрдан зиёдроқ давр мобайнида ўзининг долзарблигини йўқотмай келаётган Навоийнинг шуҳрати ва унинг асарлари, у кўтарган янгиликлар , чуқур мазмун ва сўнмас ғоялар билан ёлғиз ўзбек ёки туркий халқларнигина эмас, балки бутун жаҳон халқлари, адабиёт муҳлисларини мафтун этиб келмоқда, ҳайратга солмоқда.

Қайси ижтимоий давр бўлишидан қатъий назар, у яратган мумтоз асарлар, сўнмас ғоялар ва адабий даъватлар ўз кучини йўқотмади, аксинча ўз моҳияти билан ўша даврнинг шиорига, маънавиятига айланди. Зоро , Навоий асарларининг замирида ҳазрати Инсон ва унинг ижтимоий аҳволи ётади. Назм гулшанининг марказида халқ шодлиги-ю, мамлакат ободлиги, шохлар адолати-ю, фуқаролар садоқати, турмуш фароғати-ю, меҳнат ҳаловати, қўйингки, ҳаётнинг барча жабҳалари-мантиқий, маънавий, фалсафий, сиёсий томонларидан талқин қилиниб, бутунликни, яъни ижтимоий борлиқни мужассамлаштиради.

Навоий ғазалларида ишқий кечинмалар куйланса, булар ўз ўрнида етук тасаввуф илмининг натижаси деб қараш керак. Чунки, унинг ижодида севги, муҳаббат, ишқ тушунчалари алоҳида бўлиб, шундан ишқ - ошиқлик энг олий туйғу, Яратганинг ўзигагина бўлиши мумкинлиги акс эттирилади. Севги, муҳаббат тушунчалари эса ўша ишқнинг дастлабки тажрибаси, синовларидир, деган фикрни англаштиради.

Навоий ижодига жанрлар йўналиши бўйича назар солсак, улардаги фикрлар бир бирини тўлдириб, бойитиб борадики, бирор фикр ёки ғояни такрор учратмаймиз. Фикримизнинг далили сифатида унинг рубоийларига мурожаат қиласи:

**Хўп эл била суҳбат тутубон хўп ўлғил,  
Яхшини талаб қилғилу матлуб ўлғил,  
Ширин сўз ила халқقا марғуб ўлғил,  
Юмшоқ де ҳадисингни махбуб ўлғил.**

Эътибор берилса, бир ўқишданоқ кўп нарсаларни англаб етгандек бўламиз. Изоҳга хожат йўқдек туюлади. Аммо чуқурроқ назар солинса, оддийдан мураккабга, қуйидан юқори погоналарга, буюликка чорловчи рубоий бўлиб, ҳар бир мисра катта бир даврни ўз ичига олади.

**Хўп эл била сұхбат тутубон** хўп ўлғил мисранинг мазмуни ёшлиқ даврининг вазифаларига тааллуқли бўлиб, “хўб эл” яъни халқнинг ўзингга тенг, яхши эли билан “сұхбат” қуриб, улардан ўрганиб, ўзинг ҳам уларга маъқул “хўб ўлғил” ва яхши хулқ билан вояга етгин, деган ғоя бор.

**Яхшини талаб қилғилю матлуб ўлғил** – ўрта ёш, навқиронлик пайти вазифалари бўлиб, “хўб эл” дан тарбия олгандан кейин “яхши талаблар” қиладиган бўлиб етишасан, аммо ўзинг ҳам ўша талаб қилган яхшилигингга муносаб, “матлуб ўлғил” деб даъват этади.

**Шириң сўз ила ҳалқقا марғуб ўлғил** – демак, энди эл орасида тарбия топиб, яхши талаблар қилиб келдинг, энди “шириң сўз ила ҳалқقا” ёқимли бўл дейди. Чунки оиланинг ўзи ҳам бир ҳалқ, давлатнинг бир бўллаги, шундан келиб чиқиб ҳалқни ўзига қаратадиган, ортидан етаклай оладиган даражага боришириқ қилиб қўймоқда. Ва кейинчалик:

### **Юмшоқ де ҳадисингни махбуб ўлғил –**

мисраси билан қарилек чоғингда сўзларинг мулойим ва маънолилиги жиҳатидан умрибоқий бўлсин демоқда.

Навоий рубоийларининг баъзилари ўз кўлами билан дунёвий масалалар – бутун бир давлат интизоми-ю, келажаги, тартиби-ю, ривожи, мавқеи ҳамда салоҳияти борасида фикр юритади.

**То хирсу ҳавас хирмани барбод ўлмас,  
То нафсу ҳаво қасри барафтод ўлмас,  
То зулму ситам жонига бедод ўлмас,  
Эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас.**

қаранг, **хирсу ҳавас хирмани** – бу енгил елпи, ўткинчи туйгулар йиғиндиси, у елда совурилиб кетадиган нарса, агар ўша йиғинди “хирман” барбод – совурилмас экан, **нафсу ҳаво қасри**, “хирсу ҳавас” –дан даҳшатлироқ, кучлироқлиги учун қасрга тенглаштирилиб, у “барафтод” – қуламас экан, **зулму ситам жонига** санчилавериб “бедод” – алдов солишни тўхтатмас экан - **Эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас.**

Кўриниб турибдики, бу мисралар ҳар бир давлат фуқароларининг онгидаги мафкура-ю, давлатнинг мафкуравий сиёсатидек туюлади.

Хуллас, Навоий асарларини таҳлил қиласи эзаканмиз, у ўзи айтганидек:

**Ҳар не бир достонга солди садо,  
Бунда бир байт ила топди адо!**

деган фикрини нақадар ҳақиқат эканлигига ишонч ҳосил қиласи. Шу билан Навоийнинг “Ўзбагим бошида қалпок, эгнида ширдоғи бас”, деб таърифлаган ҳалқимизга ўз маърифатчиси, тилининг жонкуяри ва илмий асосчиси, бобокалон шоирини ёд этган авлодларига ўзи таъкидлаганидек: “**Ҳар тунунг қадр ўлубон, ҳар кунунг ўлсун Наврӯз!**” деб қоламиз.

(«Андижоннома» 2000 йил 5 феврал)

# # #

## «БОБУРНОМА»ДАГИ АЙРИМ СЎЗЛАР СИНОНИМИЯСИ

XIV асрнинг иккинчи ярмидан XVI асрнинг бошига қадар Моварауннахда кучли маданият марказлари ташкил топа бошлади. Фан, адабиёт, санъатнинг кўп турлари ривожланди ва катта ютуқларни кўлга киритди. Ҳозирга қадар дуне халқларини ҳайратга солиб келаётган чуқур мазмунли асарлар ва гўзал, нақшинкор масжид ва мадрасалар қад кўтарди.

Бу яратилган нарсалар, айниқса, ёзма адабиёт туркий (эски ўзбек) тилида бўлиб, бу даврни Хайдар Хоразмий хақли равишда «Турк зухуридир очунда бу кун!» деган эди. Яъни, туркигўй халқларнинг тили, адабиёт ва санъати бошқа қадимий халқлар маданияти қатори юзага чиқиши, тан олинниши даври эди.

Бу ўринда Лутфий, Ҳайдар Хоразмий, Атоий, Саккокий, Ҳофиз Хоразмий, Навоий ва Бобурларнинг туркий тилда яратган илмий ва бадиий асарлари асос қилиб олинади.

Айниқса, Захириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асари ёрқин мисол бўлиб, бу асарни ҳозирги ўзбек тилидаги барча фанлар: тилшунослиқ, адабиётшунослиқ, тарих, этнография, қишлоқ хўжалиги, чорвачилик кўйингки ҳамма соҳа вакиллари уни ижодий ўрганиши ва ундан фаҳрланиши табиий.

Бобур ўз асарларида туркий (эски ўзбек) тилининг соғлигини сақлашга, уни иложи борича халқ тилида яратишга интилади ва бу борада катта хизмат қилди. Бобур ўзбек мумтоз адабиётида ҳар жиҳатдан мукаммал, насрой асар намунасини туркий тилда яратиб берди. У ўз асарларида равшаник, аниқлик, соғлик, ихчамлик, соддаликка эътибор берди ва шу анъянани тарғиб қилди.

Қизиги шундаки, «Юлдузча» нашриётида 1990 йилда чоп этилган «Бобурнома» китобини ва рақлар эканмиз, беихтиёр бир неча сўзнинг тақрор, аммо турли маъноларда ишлатилиши ёки бир маънони англатиш учун турли сўзлардан фойдаланганлигининг гувоҳи бўлдик.

280 дан ортиқ гапда (биз ажратиб олган)ги «қалин», «хейли», «илғор», «ғалаба», «ғолибо» сўзларининг қўлланиши ва уларнинг маъно англатиш даражаларини аниқлашга ҳаракат қилдик.

Юқорида айтилган, яъни ажратилган гапларда 200 га яқин «қалин» сўзи ишлатилган бўлиб, улардан 160-170 таси «кўп» сўзининг маъносида ишлатилганки, мана шу «кўп» маъноси билан бирга, гапда ўзининг «қалин» маъно бўёғининг ҳам маълум қисмини сақлаб қолгандек туюлади.

Бундан ташқари бир гапнинг ўзида бир маъноли сўз ўрнида бир неча сўзни ишлатадики, бу Бобурнинг сўз ишлатиш бобида моҳир устоз, тилшунос олимлигини кўрсатади.

Масалан: «Отлари кўп ва қўйлари қалиндири» (32-бет. Бундан кейинги мисоллар юқорида кўрсатилган нашрдан олинди ва гап охирида қавс ичида бет ракамлари кўрсатилади холос). Бу гапни ҳозирги ўзбек тилида «От ва қўйлари кўп» деб қўя қолса бўлади. Ҳолбуки, Бобурнинг ўзи ҳам гапларни анча ихчам тузишга ҳаракат қилган. Аммо, Бобур қўллаган гапда оти кўп элнинг қўйлари ҳам кўп ва ҳам семиз маъноси англашилади. Демак, бу гапда ишлатилган «қалин» сўзи «кўп» ҳам «семиз» маъноларида қўлланган. Шунингдек, қуйидаги гапда «қалин» ва «кўп» сўзларининг ишлатилиш ўрнига назар ташлайлик, «не учунким, алар асру қалин, биз кўп оз» (101).

Бу ўринда «алар асру қалин» сўзи «улар ҳам кўп, ҳам мустаҳкам ва кучли» маъноларида қўлланса, «кўп оз» антоним сўзлар «жуда кам», «заиф» маъносида келиб «кўп» сўзи ўз

маъносини йўқотган.

Айниқса, «қалин кишиси ўққа, қиличқа бориб, ғалаба кишиси иликка тушти, сувда ҳам кўп кишиси ўлди» (166), «Шаруқон навоҳисида олиға борғонларни яхши босиб, қалин киши тушуриб, ғалаба бош кесиб келтурди» (214), «Бориб, йироқтин илғоб, бу афғонларни яхши босиб, қалин кишисини кириб, ғалаба бошлар йиборди» (280) каби гапларда ишлатилган «қалин» ва «ғалаба» сўзларининг маъноси «кўп» сўзининг синоними сифатида қўлланган.

Шунингдек, «қалин» сўзи «узоқ», «катта», «кенг», «қаттиқ» маъноларида ҳам ишлатилган. «Балут ҳам яхши ўтундир, агарчи тийрароқ куяр, vale тоблик куяр, чўғи қалин туар» (129), «...бу мухосарада қалин урушлар бўлди» (146), «Арупарда эканда қалин ёмғирлар ёғди» (240), «Бу тоғдин қалин дарё чиқиб, Ҳиндустоннинг ичи била оқар» (250) каби гапларда юқорида келтирган маънолар ўз ифодасини топган.

Бобурнинг сўз ишлатишдаги санъаткорлиги яна шунда кўринадики, «илғор» сўзини «тез», «аввал» ва ҳарб ишидаги «тезкор» (оператив) маъноларида қўллайди. «...бу Ҳиндустон умаросидин илғор (тезкор гурух) битилди: Оламхонни Гувалёрға илғор йиборилдиким...» (284), «Бу кунларда хабар келдиким, илғор борғонлар қанужни ҳам ташлаб...» (309) каби гаплардаги «илғор» сўzlари юқорида таъкидлаган маъноларда ишлатимоқда.

Биз қисқа мақолада ажратиб олинган гаплардаги айрим сўзларнинг хайратомуз тарзда қўлланилишини таҳлил қилиб улгурмаймиз. Аммо, ҳар бир китобхон, Бобурнинг ҳақиқий мухлислари, тилшунослар, матншунослар учун бир олам қизиқарли ва илмбоп манбаалар борки, бу хазинадан ўзбек халқи доимо баҳраманд бўлаверади.

(«Маърифат» 2006 йил 26 – апрел)

# # #

## ҲАЙРАТ КИТОБИ

Бобурнинг ҳаёт йўли, ҳарбий маҳорати, маданий мероси ҳақида кўплаб асарлар битилиб, у – давлат арбоби, саркарда, истеъдодли шоир, донишманд тарихчи, заковатли олим ва таржимон эканлиги исботлаб берилмоқда. Биз, Бобурнинг юқорида айтилган фазилатларини такрорлаб, янада тўлдириб эмас, «Бобурнома» асарида акс этган ҳислатлари орқали унинг нақадар нозик таъб, нафис ҳиссиёт, мустаҳкам ва бетакрор хотира эгаси эканлиги ҳақида тўхтамоқчимиз.

«Бобурнома» асарини ўқир эканмиз, унинг қанчалик тарихий қимматга эга эканлигини баҳолашга ақл ожизлик қиласи. Чунки, иложи борича аниқ саналар, жой ва одамлар, табият мўъжизалари – ҳайвонот ва наботот сирлари битилганки, бу асарнинг битишнинг ўзи муаллифнинг катта сабр-тоқат соҳиби эканлигини кўрсатиб туради. Шу билан бирга, эътибор берилса, асарда Бобур руҳининг нақадар пок, зеҳни юксак даражада ўткир эканлиги намоён бўлади.

Маълумки, Бобурнинг умри жанггу жадалларда ўтган. 12 ёшида Андижонда тахтга ўтириб, токи Ҳиндистонни тўла забт этгунга қадар босиб ўтган ҳаёт йўлига назар солинса, бир сўз билан, буни ҳаловатсиз умр, дейиш мумкин. Аммо шу беҳаловат умри орасидан биз унинг ҳаётга нақадар ошиқлиги, тирикликнинг барча ҳодисотлари юрагида, руҳида ўрнашиб қолганлигини кўрамиз ва у мислсиз ақл-заковат, илоҳий завқ ва покиза ҳиссиёт эгаси эканлигини сезиб турамиз.

Келинг, «Исфаранинг бир шаръисида жануб сори пушталарнинг орасида бир парча тош тушубдур. «санги оина» дерлар, узунлиги таҳминан ўн қарич бўлгай, баландлиги баъзи ери киши бўйи, баъзи ери кишининг белича бўлгай, ойинадек ҳар нима

**мунъакис бўлур»,** (бу ва бундан кейинги мисоллар Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг 1990 йил «Юлдузча» нашриётида чоп этилган «Бобурнома» китобидан олинди) таърифини олиб кўрайлик. Тўғридан-тўғри жангту жадаллар билан кетаётган Бобурда тошга нисбатан саркарда синчиковлиги акс этса, тошнинг жойлашуви таърифи орқали унинг жуғрофия илмидан хабардор эканлиги намоён бўлади, тошда «оинадек ҳар нима»нинг акси қўриниши ва шунинг учун «Санги оина» (тош ойна) дейилиши таърифи Бобурнинг зехни ўткир эканлигини кўрсатиб туради.

Ёки, «**Фарғона вилоятининг тоғларида... тобулғу йиғочи бор...** пўсти қизил, асо қилурлар, қамчи дастаси ҳам қилурлар, қушларга қафас қилурлар, тарош қилиб тиргаз қилурлар... табарруклик била йироқ ерларга элтарлар...» Бу жумлалар билан дараҳтнинг бутун бир ҳосиятини баён қиляптики, демак, Бобур шу дараҳтдан ўта таъсиранганидан, унга ўзгача бир назар билан қараганидан далолат беради.

«**Бир қатла санаттим, ўттиз икки-ўттиз уч навъ ғайри муқаррар лола чиқти. Бир навъ лола бўлурким, андин андак қизил гул или келур, лолаи гулбўй дер эдук...**» - бу таъриф билан Бобур жанггоҳдаги саркарда эмас, ўсимликшунос, гуллар шайдоси, улардан завқ олаётган бир нозик таъб шахс сифатида кўрилади.

Айнқса, қобулдаги вақтларида дараҳтларга таъриф берар экан, «**Балут йиғочида яна бир ажиб ҳосияттур: сабзарлик шохларига ўт қўйсалар ғарив шарфа била қуяр. Оёғидин бошгача шарфа била бир замонда қўяр**», дейди.

Қаранг, кўз олдингизда ёниб турган аланганинг шарпасию, унинг ҳамма томони баравар куяётганлигини синчиклаб кузатиб ўтирган Бобур турибди. У жангдан ҳориб келган, ғалаба ёки мағлубият ташвишида ўтирган саркарда ёки давлат ишлари билан банд шоҳ эмас, ўз ҳис-туйғуларини табиат сирлари билан янада поклаётган дилбар шахсадир.

Бобур табиати ва зеҳнининг ўзига ҳослиги яна шундаки, у балиқ тутиш усуулларини қизиқарли тасвирлайди. «**қулон қўйруғидин ўн-ўн икки пуштвора, яна кўқ шабоқдан йигирма-ўттиз пуштвора сув бошига келтириб янчиб, сувга солурлар, салғон замон – ўқ сувга кириб маст бўлғон балиқни тута киришурлар**».

Юқоридаги қисқа мисоллар қаторида Бобурнинг хотираси, қиёслаш ва ўхшатишлари борасида сўз юритмай бўлмайди. Унинг фикр доираси, хотира қатлами шу қадар кенг, тиниқ ва бетакрорки, Андижонда кўрган нарса ёки воқеани бошқа ердаги ўша нарсаларга солишитириб, қиёслаб кўради.

«**Самарқандни олғон маҳалда Аҳсиддин, Бухородин қовун келтуриб бир мажлиса кестурдим. Аҳси қовунининг ҳеч нисбати йўқ эрди**», мисолида қўринадики, Аҳси қовунининг бошқа қовунлардан устунлиги унинг хотираси зарваракларига мустаҳкам ўрнашиб қолган.

Шунингдек, «**қобул узумидин ғазни узуми яхшироқ бўлур**», «**Андароб ва Хост ва Бадаҳшонот тоғлари тамом арчалиқ, қалин чашмалиқ, юмшоқ пушталиқ тоғлардур. Аксар бутака ўти бўлур, отга бисёр созвор ўттур. Андижон вилоятида бутка ўти дерлар**», каби ўхшатишлар борки, бу сатрларни ўқир экансиз, ўтнинг қаерда қандай номланиши, қандай ҳайвон учун тўйимли ва «созвор» бўлишини таърифлаб беради. Бу эса муаллиф хотирасининг олий хислатларга бой ва беғубор эканлигининг белгисидир.

Айниқса, «**....андак қизил гул иди**» келадиган «**лолаи гулбўй**»нинг факат «**Дашти Шайхта бир парча ерда бўлур, ўзга ерда бўлмас**»лиги, демак, Андижондан то «**Дашти Шайх**» (Хиндистон)гача бўлган ерда бундай лола йўқлигини исботлаб берар экан, Бобур хотирасига битилган, ундан мустаҳкам ўрин олган лоланинг яна бир тури «**садбарг лоладир**», у ҳам муаллифнинг таърифлашича, «**Парвондин қўйироқ... бир парча ерда ғурбанд тангисининг чиқишида бўлур**».

Агар «**Самарқанднинг қалъасининг ичидаги яна бир қадими имораттур, масжиди Лақлақа дерлар. Ул гумбазнинг ўртасида ерга тепсалар тамом гунбаздин лақ-лақ ун келур, ғарив америидур, ҳеч ким сиррини билмас**», таърифини олиб қаралса, ва «**Бу икки**

**даштнинг орасида бир кичикроқ тош тушубдур, бу тогда бир парча қум тушубтур... Ёзлар дерларким, накора ва духул уни бу қумдин келур»** воқеаларини қиёсланса, Бобур хатто жойларнинг сирли овозларига эътибор берганлиги равшан бўлади.

Яна бир эътиборли жойи шундаки, «Бобурнома» асарида ноёб тошлар ва маъданлар ҳакида ҳам маълумотлар берилади. Ўш тоғи таърифида **«қизил била оқ мавжлиқ тош ушбу тоғда пайдо бўлди: пичоқ дастаси ва такбанд ва баъзи нималар қилурлар, хейли яхши тоштур»**, Хўжандда эса **«... Тогда фируза кони ва баъзи конлар топилур»**, Косонни таърифлар экан, **«Еттикентнинг тоғларида... фируза кони ва темир кони бўлур»**, ва **«ғурбанд тоғларида қумуш кони ва ложувард кони бўлур»** каби ер ости бойликлари ҳакида ҳам маълумотлар беради.

«Бобурнома» асарини синчилаб ўрганиб чиқилса, бу ва бунга ўхшаш ноёб ҳиссий туйғулар, бетакрор хотиралар ҳамда ўқувчини беихтиёр завқ-шавққа тўлдирувчи воқеалар кўпки, буни ёритиш адабиётчилар олдида турган яна бир вазифалардан, деб биламиз. Биз юқорида келтирган мисоллар улардан бир томчи, холос. Ҳиндистон таърифининг ўзи, қиёслаб ўрганган чоғда ҳам, бир неча илмий мақоаларга асос бўлиши мумкин.

Бобур агар **«Нингнаҳорга етгач, ўзга оламе назарга келди: гиёҳлар ўзгача ва йигочлар ўзгача ва вухуш (ёввойи ҳайвонлар – X.T.) ўзгача ва туюр (қушлар – X.T.) ўзгача, эл ва улуснинг роҳ ва расми ўзгача: ҳайрате бўлди, филвоқе жойи ҳайраттур»** деган бўлса, ўхшатиш жоизки, «Бобурнома»нинг ўзи улкан бир «Китоби ҳайраттур». «Бобурнома»ни синчиковлик билан ўрганилса, инсон онгтига илоҳий ҳайрат ва асарга нисбатан таъзиму таҳсинлар қўшилиши мукаррар. «Бир сут пишими», «бир газ отими», «икки намоз ораси» каби вақт ва масофа ўлчовлари борки, булар ҳақида алоҳида тўхталмоқ ва булар орқали Бобур қалбининг беҳад бой ва кенг, мусаффо ва обод эканлигини ўрганмоқ ҳамда ундан халқни баҳраманд қилмоқ бурчимиздир.

(«Андижоннома» 2001 йил 4 август)

# # #

## **«БОБУРНОМА» АСАРИДА БИР СЎЗНИНГ МАЪНО МУНДАРИЖASI**

Нутқ кўринишларига хослик ёки хосланган кўпмаънолилик ҳар бир сўзнинг гапдаги маъноси бўйича алоҳида белгиланади. Демак, нутқ кўринишларига асл сўзнинг дастлабки маъноси эмас, балки гап ичдаги англатган маъноларини аниқлаш лозим бўлади.

«Бобурнома» асари таҳлил қилинار экан, бир сўз устида ва унинг лугавий мундарижаси устида тўхташни мақсад қилиб олдик. Асарда шахслар таърифи ёки воқеалар баёнида **«дағдаға»** сўзи ишлатилган ва бу сўз турли ўринда ва турлича маъно касб этган.

«Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да **«дағдаға»** сўзига қўйидагича таъриф берилган бўлиб, 1. «ваҳима ёки шовқин солиб қилинган дўқ, пўписа, қўрқитиши учун кўтарилиган жанжал»; 2. «ташвиш, безовталик уриниш»; каби таърифларни берган. («Ўзбек тилининг изоҳли луғати» 1 – жилд 216 – бет).

«Бобурнома» асарида қўлланган **«дағдаға»** сўзида эса юқоридаги изоҳлардан ташкари **«ҳавас»**, **«мақсад»**, **«истак»**, **«сиёsat»**, **«ҳоҳиш»**, **«санъат»**, **«қўрқув»**, **«ҳавф»**, **«ҳадик»** каби маъноларда ишлатилганки бу маънолар айнан ўша **«дағдаға»** сўзининг устқурмаси сифатида келган. Яъни, **«дағдаға»** сўзи ўзининг туб маъносини сақлаб қолгани ҳолда юқоридаги сўзларда акс этган маъно бўёқлари ўша сўзнинг устқурмаси вазифасини бажариб, ўша маъноларга эътиборни қаратишга хизмат қилган.

Масалан: «Ироқ дағдағаси била қобулни ташлаб» («Бобурнома» 148–бет) гапида Ироқни забт этиш ҳавасида қобулни тарқ этиш маъноси ишлатилган бўлса, **«ғилжини чопмоқ дағдағаси била қобулдин отланилди»** (183–бет) гапида ғилжини қўлга киритиш

мақсадида маъноси бор. «Чун Умаршайх мирзо баланд ҳимматлиқ ва улуғ доялик подшоҳ эрди. Ҳамиша мулкгирлик дағдағаси бор эди». (9 – бет) таърифида эса Умаршайх мирзонинг мулгирлик сиёсати устуворлигини англатади. Шунингдек, «Чун салтанат дағдағаси ва мулкгирлик дояси бор» (52– бет) ёки «Мўғилистон ва Тўрфонга борғонда ҳуд ҳеч моне ва дағдаға қолмас» (92–93–бетлар) каби Бобурнинг ўз ҳолатига билдирувчи гапларида санъати ҳақидаги маъноларида қўлланган.

Маънонинг нутқ кўринишига ҳосланиши стилистик бўёқ билан ҳам боғлиги маълум бўлади, чунки нутқнинг бирор кўринишига ҳосланган маъно нутқ кўринишига ҳосланмаган маънодан стилистик бўёғи билан ажралиб туради. Стилистик бўёқнинг ифодаланиши маънонинг нутқ кўринишига ҳосланганлиги билан бирга, унинг маъно мундарижасига ҳам маълум даражада боғлиқ бўлади.

Масалан: «Бу жиҳаттин мўғуллар ўзлариға дағдаға ва таваххум йўл бериб, Ўзганд тарафиға кўчиб Танбалға киши йибордилар» (60–бет), гапидаги дағдаға сўзида мўғулларнинг ўзлариға ўзлари қўрқув солганлиги ифодаланса, «Ўлим дағдағаси хотирдин раъф бўлди...» (86–бет) жумласида эса ҳавфи маъносида қўлланган.

Юқорида келтирилган мисоллардан маълум бўладики, нутқ кўринишиларидан бирига ҳосланган маънонинг бошқа нутқ кўринишига кўчирганда ҳам унинг маъно мундарижасида ўзгариш содир бўлади.

Стилистик белгиларни маъно мундарижасига боғлиқ ҳолда қузатиш қуйидаги хулосаларга олиб келади:

- а) ҳар бир маъно (сўз маъноси) нутқдаги вазифаси жиҳатидан маълум тавсифга эга бўлади;
- б) маънонинг бир нуқтадаги вазифасидан бошқасига кўчириш, унинг маънолар таркибида ўзгаришга, аниқлашишига эътибор бериш лозим бўлади;
- в) маънонинг нутқ кўринишидаги ўзгариши стилистик бўёқнинг ҳам ўзгаришига олиб келади;
- г) нутқ кўринишидаги сўз маъносининг асосий (базис) ёки устқурма маънога эга эканлигини ҳисобга олиш муҳимлиги эътироф этилади.

(«Хозирги замон тилшунослигининг долзарб  
масалалари», «Андижон», 2004 – йил.  
Халқаро илмий – амалий анжуман нашри, I жилд 190 – бет.)

# # #

## ОГАҲИЙ ТАРЖЕЪБАНДЛАРИДА ФАЛСАФИЙ ФИКРЛАР

Огаҳий Навоий мактабининг энг истеъоддли шогирдларидан бири. У ўзининг қатор фазалларида Навоийни жуда ҳам улуғлайди ва унинг ҳаётбахш, инсон туйғуларини гўзал ифодалаган фазалларига ўхшаш байтлар битади.

Гарчи, улар орасидаги давр масофаси тўрт юз йилга яқин турсада, улардаги мақсадлар муштараклиги ҳиссий тасаввурлар теранлиги, фикр-мушоҳадалар қўлламининг кенглиги ва фалсафий талқинлар ҳамоҳанглиги, ўхшашдир.

Огаҳий ижоди – чинакам ибрат булоғи. Огаҳий учун шеър, унинг дунёқараси ва мақсадларини ташвиқ қилувчи восита, жарчидир. У ўз замони маданий даражасига нисбатан ўта баланд савияли, ҳаётни чуқур англовчи, баракали ижодкор ва нафосатни чуқур сезувчи ва уни ифодалашга моҳир санъаткордир. Унинг ҳамма ғазаллари, жумладан, таржеъбандларида дунёнинг ранго-ранг товланишлари, ўзгариш, янгиланишлар, табиатнинг

турфа сир-асрорлари, ҳодиса-ашёлари намоён бўлади, ўзининг чинакам ташбеҳини топади.

Огаҳий таржеъбандларида мажозий тимсоллар ёрдамида тасаввуф фалсафасининг билиш назарияси ўз ифодасини топади. Бу тўғрида гап кетар экан, аввало уларнинг тузилиши, туркумлари ҳақида тўхталиш жоиздир. «Таъвизул-ошиқин» девони (ЎзФА нашриёти, Т-1960 й.) нинг 521-544-бетларида бир-бирининг давоми сифатида тўрт туркумдаги таржеъбандлар берилган. Улардан биринчи бештаси:

**Даҳр бир вайронадирким, ҳароб обод эрур,  
Чиқса ондин ҳар киши ғам бандидин озод эрур,** деб якунланувчи; еттитаси:  
**Олдурма қўнгилни бу жаҳонга,  
Еткурма жафо азиз жонга,** ва яна еттитаси:

**Раҳм айлаки қолмади қарорим,  
Чиқмоққа етушти жони зорим,**

ва сўнгги бештаси:

**Жонимга эрур жалис зикринг  
Кўнглимга мудом аниш фикринг,**  
деб якунланувчи таржеъбандларири.

Бу ўринда таржеъ (қайтаришган, такрорланган) бандларидан кўриниб турибдики, биринчи бешталиқдаги ҳар бир шеър «Даҳр»га тавсифлар беради, яъни дунёning нимадан иборат эканлигига назар ташлашга ундейди.

Таржеъбандлар таҳлилига ўтишдан олдин унинг назарий томонига тўхталиш, яъни улардаги фалсафий фикрларни аниқлаш учун қандай фалсафага асосланганлигини билмоғимиз керак.

Маълумки, буюк мутафаккир файласуф Абу Наср Форобий «Илмларнинг келиб чиқиши тўғрисида»ги «мактуб»ларининг II бобида (Фаробий, «Рисолалар», «Фан» нашриёти, Т-1975 й., 54-бет) «қандай қилиб таълим бериш, таълим олиш, фикрни қандай ифодалаш, баён этиш, қандай сўраш ва қандай жавоб бериш ғимасаласиғга келганимизда бу ҳақдаги илмлар»нинг бири «мантиқидир: хуносалар ёрдамида билинмаган нарсаларни биламиз, нима тўғри, нима нотўғри эканлиги ҳақида ҳукм чиқарамиз. Шунинг учун ҳам қунт билан кузатиб муҳокама қилгинки, токи бу **руҳингни донолик лаззатидан торттиришга, ҳақиқатга муҳаббатинингни қўзғатишга боис бўлсин...**» деган эди.

Огаҳийнинг юкорида айтилган таржеъбандлари мана шу талаб ва қонуниятлар доирасига мос тушадики, айниқса, ўқувчи «руҳини донолик лаззатидан тотиб» қўришга даъват этади. Чунончи, «руҳни донолик лаззатидан» баҳраманд этар экан, бу энди тасаввуф фалсафаси демакдир. Тасаввуф, аслида, оламни билишга, руҳий-ҳиссий мушоҳадакорлик ва инсоннинг талотумли кайфияти ва ички кечинмаларини тадқиқ этишга қаратилган катта фалсафий оқимдир. «Зоро, тасаввуф бутун эътиборни инсон аҳлоқини поклашга қаратади, турли йўл-йўриклар, амалий тадбирлар ишлаб чиқади, инсонни ўз вижданни билан юзма-юз қўйиб, ўзи ҳақида ўйлашга мажбур этади, ҳақиқат ва эътиқод поклиги руҳида тарбиялайди» (Н. Комилов, «Тимсоллар тимсоли», Алишер Навоий, ғазаллар, шархлар, «Камалак» нашриёти, Т – 1991 й., 107 – бет).

Огаҳий таржеъбандлари мана шу белгилар кўламига мос, эътиқод ҳисси билан суғорилган, мана шу инсон руҳидаги ҳали англаб етилмаган «даҳр» (дунё) тушунчасини ёритиб беради.

**Даҳр уйи бунёдким, сув узрадур маҳкам эмас,  
Онда кирган эл хавотирдан омон бир дам эмас.**

Биринчи мисрадаги «даҳр уйи»нинг жойлашган ўрни шу даражада рамзий маъно билан аниқ ифодаланганки, ҳақиқатда инсон пайдо бўлгандан бўёнги ҳаёт силсилали олиб қаралса, дунёнинг тўлқинли ўтмишию, сокин оқимда сузаб бориши ва эпкинлар аро қалқиб туриши, гирдоблар қаъридан соғ-омон чиққанлигию, майин шабадалар ичра фараҳбахш кунлар кечираётгандиги намоён бўлади. Ҳатто, бу ҳаётга келган ҳар бир кимса «сув узра» ҳаракатда бўлиши, унинг оқимида баробар борсагина ўзининг муносаб ўрнини топиши мумкинлигига ишора қилинади. Чунки, ушбу меҳнатхонада гар шоҳ бўлсин, гар гадо барча ҳаракатда бўлмоғи даркор, яъни бизга серҳаловат кўринган шоҳларнинг ҳаёти ҳам доимо ҳаракатда, изланища бўладики, ҳатто бепарво, бесамар ўтказилган «Бир нафас айшу фароғат жомидин хуррам ...» бўлмасликка даъват этади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, биринчи бешта таржеъбанд «Даҳр бир гулшан...», «Даҳр дун айёраси...», «...Ушбу жаҳон шавқи...», «Бу жаҳон вайронаси...» каби тарифлар билан бошланиб, инсонни яшамоқлиқдан муддаоси нимада эканлигини ўйлаб кўришга, ҳар бир воқеа-ҳодиса, ҳаракат-ҳолатдан огоҳ бўлишга, лоқайдлик ва хотиржамликка берилмасликка ундаиди.

Агар таржеъбандлар туркумининг ички тизимиға назар ташланса, биринчи беш таржеъбанд дунё тасвири ва ҳолатидан огоҳ этади, иккинчи етти таржеъбанд ўша «даҳр»нинг ички аъзоларидаги кечинмалари, кирдикорлари, сиру-синоатларидан дарак берадики, у ерда, яъни “даҳр” ичидаги “Мақсадга восил эт ўзунгни. Жонинга гар истар эрсанг ором” - дейди. Имкону мақсаддан ортиқча ҳаракатлар билан “Олдурма кўнгилни бу жаҳонга. Еткурма жазо бу азиз жонга”, каби таъкид билан огоҳлантириб қўяди.

Учинчи еттига таржеъбанд “Эй маснади ҳусн уза Сулаймон”, деб ёр орқали “Хукмингга мутеъ инс ила жон” деб ўша даҳрнинг ҳокимиға, тартибга келтириб турувчига мурожаат қиласи, бу орқали яратганинг ердаги сояси – «Шаҳларга эрур ҳамиша лозим, кулларни етурса муддаога» дейиш билан «даҳр» ичидаги диалектик боғлиқликлар орқали секин-аста шахс тақдирига, унинг дунёда тутган ўрнига яқинлашади.

Огаҳий таржеъбандлари ўз гояси билан замон ва макон тушунчалари, ундағи умумий ғдаҳрғдан – ҳусусий ғашаҳсға қадар узвийликнинг моҳиятини очиб беради ва ундағи «Гавҳари маъданси саодат» эгаси – инсонга таҳсинлар айтади ва :

**Жонимга эрур жалис зикринг,  
Кўнглимга мудом анис фикринг, дейди.**

(эълон қилинмаган)

# # #

Жалолиддин Румий таваллудининг  
800 йиллигига.  
**РУҲИЯТ КУЙЛАРИ**

Жалолиддин Румий шахсиятини, унинг ижоди билан танишган ҳар бир халқ, миллат, элат, дин мазҳабларининг аҳллари ўз вакилларидек қабул қиласа, унинг «Маснавий»си барча дин аҳкомлари ва салоҳиятини инсоният қалбига, руҳига таржима қилиб берувчи кўлланмадек эътироф этилади.

«Маснавий»нинг ҳар бир шарҳи ўз ўрнида буюк бир ихтиро, улуғ бир тадқиқотки, бу фақат Ислом дунёсининг эмас, бутун башарият динларининг аҳлларини Оллоҳга олиб борувчи таълимоти сифатида қабул қилинмоғи лозим. Чунки, бу обида – «Маснавий»да фақат исломий тушунча эмас, инсон руҳиятининг сайру саёҳатлари, кечирган воқеа-

ходисаларию, айрилиқ-шикоятларидан иборат.

Жалолиддин Румий ўзининг бутун ижоди давомида умуминсоний маърифат, илоҳият ва мавжудиятнинг хилма-хил кирралари хусусида фикр юритади ҳамда «Оллоҳ висолига етмоқ йўлларини кўрсатади»<sup>1</sup>.

қайси дин ёки мазхабга мансуб бўлишидан қатъий назар, ҳатто бедин банда Румий ижодидан баҳраманд бўлар экан, унинг руҳиятида ўзгариш пайдо бўлиши, Оллоҳ бир ва унинг Ҳақлигига ишонч ҳосил қилиши муқаррар.

Ислом таълимотида асосан маънога, ғояга, ҳолга эътибор бериш етакчи фикр ҳисобланади. Шунинг учун Румий ижодида, айниқса, «Маснавий»да шу ғоя-ҳолга эътибор кучли.

Бу масалада Румийнинг ўзи:

Мо бурунро нангaremу қолро,

Мо дарунро бингaremу ҳолро,

(Биз ташқи тузилишга ва сўзга қарамаймиз, биз ичкарига ва ҳолга боқамиз) дейди <sup>2</sup>.

Агар чуқур зеҳн билан қаралса «Маснавий»нинг биринчи байтидаёқ Зоҳирий - қамиш, Ботиний – руҳ тушунчалари асос қилиб олинади.

«Бишнав аз най, чун ҳикоят мекунад»<sup>3</sup>, яъни

«Тингла, найдан, не ҳикоятлар қилур», мисрасидаёқ барча оҳанглардан кўра найга, найдан чиқаётган садога эътибор берилишида ўта нозик ишора бўлиб, зарбли, торли, ишқалувчи ва ҳоказо чолғу асбобларининг оҳангларида икки мавжуд нарсадан ҳосил бўлган овоз акс этса, найда мавжуд (най) ва мавҳум (нафас)нинг ҳикоялари, айниқса най ичидаги нафаснинг ҳолатига кучли эътибор берилади. Чунки, нафас тангридан келиб, тангрига борур, дейилганидек, чикувчи нафаснинг манзили қалб, кирувчи нафасники эса Аршдир<sup>4</sup>. Чиқсан нафас ўз манзилига боргунча сарсон ва айрилиқдадир. Токи руҳ танани тарқ этиб ўз жойига – Аршга бормагунча нафас учун ўртада жой йўқ ва унинг ҳоли «ҳикоят» ва «айрилиқлар»га («Аз жудоихо ҳикоят мекунад») бойдир. Бу демак «Инсон руҳи (айниқса, унинг вакили - нафас) вужуддан айрилиб, абадий йўлчиликка чиқади. Унинг туғилишида ҳам (Аршдан ажраганд), ўлишида ҳам (вужуддан чиққанда) изтироб мавжуддир»<sup>5</sup>

куйидаги бандда бу фикр янада аниқ кўринади:

Мен бу инсон қавмин оҳу зориман,

Ҳоли ҳуш ҳам ҳоли баднинг ёриман.<sup>6</sup>

Яъни, нафас банданинг ниятига яраша бўлиши кўрсатилган.

Жалолиддин Румийнинг буюклиқ ва даҳолиги яна шундаки қуръони Карим сураларидаги оятларга ҳаётий воқеалар билан шарҳлар битади ва айниқса, Руҳиятнинг сиймосини инсон кечинмалари орқали шакллантиради. Бу ўринда Жалолиддин Румий куръони Каримнинг Ал-Исро сурасида «(Эй Мухаммад), Сиздан руҳ-жон ҳакида сўрайдилар.

Айтинг «Руҳ ёлғиз Парвардигорим биладиган ишлардандир. ...Сизларга жуда оз илм берилган»<sup>7</sup> дейилган ояти каримага тўла амал қилган ҳолда Руҳ тушунчаларига чизгилар беради ҳолос.

Мавлоно Румий, Илоҳий неъмат ва Унинг мулки бўлган Руҳнинг инсон жисмида нақадар мукарраму азиз ва ақл-идрок, нафас, ҳид, сезги, туйғу, нигоҳ, таъам, сабр-тоқат, нафс, ғазаб, меҳр-оқибат каби ҳолатларнинг мужассами эканлигини инкор қилиб бўлмайдиган мисолларда кўрсатиб беради.

«Маснавий» ривоятлариниг ҳар бирида Руҳнинг у ёки бу кечинмалари таъсирили воқеаларда ёритиб берилган. «Подшо ва қанизак ҳакида ривоят»да инсоний ва илоҳий ишқ тасвиrlанган бўлса, «Бақкол ва унинг тўтиси» ҳикоятида хис-туйғунинг нақадар ранг-

баранг эканлигидан огох қиласи. «Худхуд ва Сулаймон» ривоятида ақл ва зеҳннинг илоҳий неъматлиги айтилса, «Азроилдан қоч»моқчи бўлган нодон ривоятида Ҳақдан қочиб бўлмаслиги, яни тақдирин азалнинг ҳукми мутлақлиги таъкидланади. Айниқса, «Йўловчилар ҳақида ривоят»да Оллоҳ ягона, унга элтувчи йўллар хилма-хиллиги, эътиқоднинг моҳияти таъсирли мисолларда берилган.

«Сен қийматинг ва тушунчанг билан икки оламга бадалсан. Аммо нима қилайнки, ўз баҳоингни билмаётирсан»<sup>8</sup> дейиш билан инсониятни ўз қадрини англашга, Оллоҳ неъмати бўлган Рухнинг қадрига етишга, руҳият оҳангларининг инжа куйларни тинглай билишга даъват этади.

- 
1. Муртазо Бихиштий, Эрон, Румийшунос. «Маънавий маснавий», А.Маҳкам таржимаси, «Шарқ» Нашриёт-матбаа концерни, Тошкент—1999 й., 14-бет.
  2. Жалолиддин Румий, «Маънавий маснавий», Асқар Маҳкам таржимаси, 1-китоб, «Шарқ» Нашриёт матбаа концерни, Тошкент -1999 йил, 9-бет.
  3. Жалолиддин Румий, «Маънавий маснавий», Асқар Маҳкам таржимаси, 1-китоб, «Шарқ» Нашриёт матбаа концерни, Тошкент -1999 йил, 22-бет.
  4. Тасаввуфий хаёт. Нажмиддин қубро, «Мовароуннаҳр» нашриёти, Т-2004 й, 177-бет.
  5. Усмон Нурий Тўпбош, «Бир кўза сув» (Маснавий боғчасидан),  
Муҳаммад қобил таржимаси, 179-бет (қавс ичидаги изоҳлар мақола муаллифиники).
  6. Жалолиддин Румий, «Маънавий маснавий», Асқар Маҳкам таржимаси, 1-китоб, «Шарқ» Нашриёт матбаа концерни, Тошкент -1999 йил, 31-бет.
  7. Қуръони қарим, А.Мансур таржимаси, «Шарқ» нашриёт матбаа концерни, Т - 1992 й., 196-бет.
  8. Жалолиддин Румий, Ичиндаги ичиндадур, У.Ҳамдам таржимаси, «Мехнат» нашриёти, Тошкент – 2001 йил, 19- бет.

**The Songs of Soul  
Hurmamat Tajibayev,  
Andijan State Pedagogical  
Institute of Languages**

The personality of Jaloliddin Roomiy is accepted by every people, nation and the representatives of different religion who got acquainted with his creative work. And his “Masnaviy” is regarded as a handbook which interprets the rules of religion and it’s authority to the soul and spirit of mankind.

Every review of his “Masnaviy” is the great discovery and investigation not only in the Islamic world but also through out in the world. We think it should be taken as the teaching that leads the humanity to Great Allah. It is not only Islamic idea or concept it also includes the inner spiritual world of intellectual, the travel of human soul and complains, sufferings of separation.

J.Roomiy during all his creative life thought of general human education, religion and different forms of existence and also showed us “how to reach Allah’s charity and love”.<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> Murtazo Bihishtiy. “Manaviy masnaviy”, translated by A.Mahkam, “Sharq” Publishing House, Tashkent, 1999, p.14.

No matter what religion one belongs to and even one who has doubt the existence of the Almighty having introduced with Roomiy's works he will feel the change in his spiritual life that Allah is the only Almighty and has true judgement. He is great and mighty, regulates and keeps in order all. Allah has no form and picture. In Islamic education the content, idea and posture take the leading position. This can also be seen in Roomiy's works, especially, in his "Masnaviy".

He writes: Mo burunro nangarremu qolro,

Mo darunro bigarremu kholro.

It means that we look not at the form of the world, we look into (i.d. content or the meaning) and the posture.<sup>2</sup>

If we take a careful analyses, even in the first lines of "Masnaviy" we can see that the seen and unseen are expressed by cane as the seen and soul as the unseen.

"Bishnav as nay, chun khykoyat mekunad"<sup>3</sup>

It means "listen to the nay it tells you much". Here a slight hint is done to draw reader's attention to the sound, which comes out from nay. In different other musical sound is usually formed by two things. And in nay much attention is given to nay as the seen and to breath as the unseen. They say that the breath comes from God and goes back to God again. Therefore, the destination of the breath that goes out is the soul and the destination of the breath that goes in is the Heaven.<sup>4</sup> And, the breath that goes out occurs in sufferings until it reaches its destination. There is no place for the breath in between until the soul leaves the body and goes to its place in the Heaven. And it is full of "complains and sufferings" ("As judaiho shikoyat mekunad"). It means "the Soul of a man (especially its representative breath) leaving the body forever starts to unseen world. So there is suffering in its born (when it leaves the Heaven) and also in its death (when it leaves the body)."<sup>5</sup>

This idea can be seen better in the following lines:

Man ba har jamiyat nolon shudam,

Jufti hush nolonus bad holon shudam.<sup>6</sup>

It means the breath corresponds with the character of a man.

The greatness of Jaloliddin Roomiy can also be seen in his reviews to sūrahs of Holly Quran. He presents examples from the life in describing ayats of the sūrahs of this Holly Book in his reviews. Especially the description of a man is given in combination with his inner thoughts. Here citing to the sūrah "Al Isro" of Quran he only explains the meaning of the soul: "Muhammad, You will be asked about the Soul". Say: "The Soul is under the will of Allah only Allah knows all about

<sup>2</sup> Jaloliddin Roomiy. "Manaviy masnaviy", translated by A.Mahkam, "Sharq" Publishing House, Tashkent, 1999, p.9.

<sup>3</sup> Jaloliddin Roomiy. Above mentioned source. p.22.

<sup>4</sup> Najmaddin Qubro. "Tasavvuriy hayot", "Movaraunnahr" Publishing House, Tashkent, 2004, p.177.

<sup>5</sup> Usmon Nuriy Topbosh. "Bir ko'za suv" (from "Masnaviy", translated by Muhammad Qobil. p.179.

<sup>6</sup> Jaloliddin Roomiy. Above mentioned source. p.31.

it... and you (people) are given a very little knowledge.”<sup>7</sup>

Mavlono Roomiy describing the Soul-God’s reward and property, uses pure examples taken from life and tries to show how the soul in the body of a man is valuable and its combination with wit, thought, breath, smell, feeling and sensation, look, taste, patience and endurance, passion, fury and kindness.

In every legend of “Masnaviy” this or the other feelings of the soul have been described in impressionable stories.

In the legend “About padshah and bondmaid” the human and holy love is described. And in “Tradesman and his parrot” Jaloliddin Roomiy states the variability of feelings and sense. In the “Khudkhud and Sulayman” the author describes mind and quick wits as holy reward and in other legend named “A fool who tries to run away from Azrail” he says about the impossibility to run away from the true judgement, because the fate of a man is always under the will of Almighty. In the legend “Travelers” it is said that Allah is only One and all the ways to Him are different. This view and the nature of conviction are presented in vivid examples taken from the life.

Jaloliddin Roomiy , by stating “You with your value and notion are worthy for two worlds, but what a pity that you don’t realize your value” <sup>8</sup> calls the humanity to esteem his dignity and value Allah’s reward-the Soul and listen to sacred, spiritual music.

*The article translated by doc. Sh.S.Alimov.*

---

<sup>7</sup> The Holly Qurān. Translated by Alauddin Mansur. ”Sharq” Publishing House, Tashkent, 1992, p.196.

<sup>8</sup> Jaloliddin Roomiy. “Ichindagi ichidadur”, translated by U.Hamdam, “Mehnat” Publishing House, Tashkent, 2001, p.19.



